O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOBXONASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 4 октябрь ЧОРШАНБА • № 80 (11.883)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев 3 октябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.**

Ўзбекистон ва Қирғизистон халқлари асрлар давомида қон-қардош бўлиб, ўзаро савдо-сотиқ қилган, бир-бирининг маданияти ва санъатини бойитган. Халқларимиз ўзбек ва қирғиз адибларининг асарларига умумий мулк сифатида қараб, уларни асл ҳолида ўрганган. Ўзбек ва қирғиз доим бир-бири билан қувончли кунларини баҳам кўриб, оғир дамларда ҳамдард, елкадош бўлган.

Умумий тарих, муштарак маданият ва урф-одатлар, тил ва диннинг бирлиги бугунги кунда ҳам ўзаро ҳамкорликнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги алоқаларда яхши қўшничилик, яқин дўстлик ва қардошлик, ўзаро ишонч тамойиллари устувор аҳамиятга эга.

Дўрмон қароргоҳида Қирғизистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев шоҳсупага кўтарилдилар. Давлат мадҳиялари янграavailable. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентларининг яккама-якка учрашуви бошланди.

Ислом Каримов ва Қурманбек Бакиев мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, ШҲТ доирасидаги алоқалар, шунингдек, минтақавий хавфсизликка оид ҳамда ўзларини қизиқтирган долзарб халқаро муаммоларни муҳокама қилдилар. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани қайд этилди.

Томонларнинг кўплаб минтақавий ва халқаро муаммоларга қарашлари бир хил ёки яқинлиги таъкидланди. Айниқса, халқаро террорчилик ва диний-экстремистик оқимларга қарши курашда мамлакатларимиз саъй-ҳаракатларини бирлаштириши зарурлиги борасида Президентларнинг фикри бир жойдан чиқди. Хавфсизликни таъминлаш борасидаги ҳамкорлик ўзаро муносабатларнинг муҳим таркибий қисми эканлиги таъкидланди.

– Ташрифингиз икки томонлама ҳамкорликни таҳлил қилиш ва холисона баҳолаш, алоқаларни янада кенгайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун яхши имкониятдир, – деди Ислом Каримов. – Бугунги учрашув мамлакатларимиз яқиндагина ўз мустақиллигининг 15 йиллигини нишонлаган кунларга тўғри келганида чуқур рамзий маъно бор. Биз барча соҳаларда кенг ислоҳотларни амалга оширдик. Босиб ўтган йўлларимизнинг таҳлили мақсадларимиз муштарак эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Президенти халқларимизнинг тарихий-маданий ва диний муштараклиги ҳамда анъаналарнинг ўхшашлиги муносабатларни ривожлантириш учун муҳим асос бўлишини қайд этди.

– Биз мамлакатларимиз ўртасида тузилган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартноманинг 10 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз, – деди Қурманбек Бакиев. – Бугунги саммит Қирғизистон ва Ўзбекистон абадий дўстлик тамойилларига асосан ҳамкорлик қилиб келаётгани, алоқаларни ана шу тамойиллар асосида ривожлантиришга интилаётганидан яна бир далолатдир.

Президентлар Ўзбекистон-Қирғизистон давлат чегарасининг назоратини кучайтириш мақсадида чегара, хавфсизлик, божхона хизматларининг яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва мувофиқлаштиришга келишиб олдилар. Чегарани делимитация қилиш борасида икки мамлакатда амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Ислом Каримов ва Қурманбек Бакиев 8 сентябрь куни Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисида ҳужжат имзолангани ва бу воқеа минтақамиз давлатларининг дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшаётганидан далолат эканлигини таъкидладилар.

Президентлар ўзаро мулоқотни Ўзбекистон ва Қирғизистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда асосий эътибор ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, транспорт коммуникациялари ва сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланишга оид масалаларга қаратилди.

Ўзбекистон билан Қирғизистоннинг савдо-иқтисодий ҳамкорлиги қардошлик, яқин қўшничилик анъаналари асосида изчил ривожланиб бормоқда. Бу борадаги алоқалар мамлакатларимиз ўртасида имзоланган эркин савдо, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама соликдан қочишга оид битимлар ва бошқа зарур ҳужжатлар билан тартибга солинмоқда.

Жорий йилнинг олти

(Давоми 2-бетда).

*Пахта — 2006*



## ЧИНОЗЛИК ПАХТАКОРЛАР ЗАФАР ҚУЧИШДИ

***Улар қабул пунктларига 21800 тоннадан ортиқ хом ашё етказиб бериб, шартнома режасини вилоятда биринчи бўлиб адо этдилар***

Чиноз қадимдан чинакам бободеҳқонлар, уста пахтакорлар юрти ҳисобланади. Бу заминда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари барқарор юксалиши, равнақ топиши, зироатчиликда қўл келадиган тажрибаларнинг шаклланиши ва кенг тарқалиши шундан.

Хусусан, пахтачиликда чинозлик деҳқонлар ўзига хос малака эгаллаб улгурганлар. Чигит экиш, уни текис ундириб олишдан бошлаб ғўзанинг парвариш босқичларидаги барча агротехник жараёнларнинг сир-синоати пухта ўзлаштирилган. Энг муҳими, бу замин кишилари аввало ўз меҳнатларини қадрлайдилар. Шу боисдан, улар ҳар йили пахта йиғим-теримида юксак ташкилотчилик ва ташаббус кўрсатиб, илғорликни қўлдан бермай келадилар.

Бу йил туманда жами 8000 гектар майдонда пахтанинг С 65-24 нави етиштирилди. Деҳқонларнинг таъкидлашича, табиий иқлим ва тупроқ шароити ғўза ривожи учун анча қулай бўлган Чиноз заминида серҳосил, толаси пишиқ, турли касалликларга чидамли, эртапишар ҳисобланган мазкур нав жуда яхши синовдан ўтган. Кўплаб заминдорлар ундан 35-40 центнердан ҳосил олишаяпти.

Пахтачиликда ҳосил тақдири асосан агротехник жараёнларнинг қай даражада мукаммал ўтказилишига боғлиқ экани ортиқча изоҳ ва исбот талаб қилмаса керак. Об-ҳаво, тупроқ шароити, табиий ресурслар қанчалик етарли бўлмасин, пахта агротехникаси талабларига риоя қилмаган, бокибеғамлик ва ўзибўларчилик кайфиятида бўлган деҳқон мақсадга эришолмаслиги аниқ. Буни чинозлик деҳқонлар теран англашади ва барча куч ва имкониятлар айни ҳосилга ҳосил қўшиладиган кезлар ишга солинади.

Албатта, ғўзага ишлов беришда мукаммал техник негизнинг аҳамияти беқиёс. Бу борада ҳам Чиноз тажрибаси ўрганса арзигулик. Бу ерда деҳқон борки, техниканинг тилини тушунади, унга энг зарур буюм сифатида қарайди ва қадрлайди. Ҳар мавсум техникалар сифатли таъмирланади, шай ва соз ҳолда иш бошлайди. Энг муҳими, туманда йилма-йил техник имкониятлар мустаҳкамланиб бормоқда. Биргина ўтган йили тумандаги машина-трактор паркига ўндан ортиқ турли класс ва русумдаги тракторлар, қатор агротехник ускуна ва механизмлар келтирилди. Мавжуд ширкат ва фермер хўжаликлари ҳам топаётган даромадларининг салмоқли қисмини техник имкониятларини мустаҳкамлашга йўналтирмоқдалар.

Муваффақиятнинг яна бир муҳим омили — йиғим-терим мавсумига ҳар тарафлама пухта ҳозирлик кўрилиб, бу билан боғлиқ барча ташкилий ишлар ўз вақтида, бекаму кўст йўлга қўйилаётганидир, десак хато қилмаймиз. Бинобарин, бу ғоят муҳим масаладир. Айнан шунинг учун ҳам тумандаги «Эшонобод», «Дўстлик», «Гулзоробод» ҳамда Навоий номли ширкат хўжаликларида давлат эҳтиёжлари учун пахта сотиш режалари ғоят қисқа — 10-15 иш кунида уддаланди. Эътиборли жиҳати, бунинг учун биринчи терим ҳосилининг ўзи кифоя қилди.

Улардан бири «Гулзоробод» — туманда иқтисодий барқарор, асосан, уруғчиликка ихтисослашган ширкат хўжалигидир. Жами 386 гектар майдонда деҳқончилик қилган пахтакорлар ҳосилдорликни 30-32 центнерга етказиб, қабул пунктларига 1200 тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб бердилар.

— Пахта етиштириш ғоят нозик ҳамда мураккаб жараён, — дейди хўжалик бош пудратчиси Бакир Маҳмудов. — Аммо уқув ва тажрибаларга таяниб, меҳнатдан қочмай, ҳар бир юмушга омилкорлик билан ёндошилса, кутилганидан зиёд натижага эришиш мумкин.

(Давоми 3-бетда).

## ТЕРИМЧИ ҲАР КУНИ РАҒБАТЛАНГАНДА

***ширкат ва фермер хўжаликларининг даромадлари ҳам салмоқли бўлади***

Эркабой Боймоқов – Оққўрғон туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалигининг энг тажрибали, энг илғор бош пудратчиларидан. Уни пахтачиликда унча-мунча ютуқ ёки янгилик билан ҳайратда қолдириш қийин. Аммо, кўпни кўрган бош пудратчи ҳам бу йилги муваффақиятдан ғоят ҳаяжонда:

– Бунақаси бўлмаган эди. Мен хўжалигимизда давлатга пахта сотиш режаси қачон шундай қисқа муддатда бажарилганини эслай олмайман.

Ҳа, тажрибали бош пудратчининг ҳайратланганича бор. Бу йил қабул пунктлари билан тузилган шартнома режасини бажариш учун 20 кун кифоя қилди.

— Бунда менинг ҳам ҳиссам борлигидан хурсандман, – дейди туман МТПсининг «Кейс» машинаси оператори Хуршид Бўриев. – Ҳосил обдон бўлиб берса, яхши пишиб етилса, машина ҳам қийналмай, тўкмай терар экан, бункер дам ўтмай тўлавераркан.

Салима Худойқулованинг 4,5 гектар ер олиб пудратчилик қилаётганига уч йил бўлди. Қизиғи шундаки, у ҳар йили шартнома режасини биринчи бажаради. Бу мавсум ҳам анъана бузилмади. Давлатга режадаги 12,6 тонна ўрнига 17 тоннадан зиёд олий навли хом ашё сотди. Хўжалик молия-ҳисоб марказидаги ҳисоб-китобларга қараганда С. Худойқулованинг даромади ҳозирнинг ўзидаёқ 7 миллион сўмдан ошди. Кўриниб турибдики, пудратчининг соф фойдаси ҳам чакки бўлмайди. Қолаверса, ҳали иккинчи терим бор.

Бош пудратчилар орасида яна Эркабой Боймоқов пешқадамлик қилди. Бу кичик жамоага 34 пудратчи бирлашган. Улар 38 гектар майдондан биринчи теримнинг ўзидаёқ режадаги 28 центнер ўрнига 29,5 центнердан хирмон кўтариб, 106,4 тонна ўрнига 112 тонна сифатли ҳосил йиғиштириб олдилар ва шартнома режасини 105 фоиздан ошириб адо этдилар. Энг муҳими, пудратчиларнинг бу йилги даромади янада баракали бўлади. Чунки, терилган ҳосилнинг ҳаммаси юқори навга сотилди.

(Давоми 3-бетда).



**СУРАТДА:** *хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси Қаҳрамон Умаров бош пудратчи Эркабой Боймоқов даласида аъзолар билан суҳбатлашмоқда.*

Ҳусанбой **АВВАЛОВ** олган сурат.

*Тадбиркорлик*

## МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

**Ангреннинг Дукент қўрғонидаги собиқ «Ором» қаҳвахонаси ўрнида нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик корхона бунёд этилди.**

Ҳозирги кунда 12 та иш ўрнига эга корхонада ўндан ортиқ турдаги нон ҳамда қандолат маҳсулотлари тайёрланмоқда ва унинг асосий қисми корхонанинг жойлардаги ўз савдо дўконларига етказиб берилмоқда.

– Корхонамиз ён-атрофидаги аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида иш ўринлари сонини йил охирига бориб яна 10 тага кўпайтириш режалаштирилган, – дейди тадбиркор Раҳмон Давлатов. – Бунинг учун аввало, корхона қошида янги турдаги макарон маҳсулотларини тайёрлаш билан бирга қадоқлаш цехи фаолиятини ҳам йўлга қўямиз.

**Мунаввара РАЖАББОЙ қизи.**

## МОНИТОРИНГ НАТИЖАЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг мониторинги натижалари юзасидан давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Давра суҳбатини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи нормаларнинг ўзаро боғланиши, уйғунлигини баҳолаш, мавжуд камчилик ва бўшлиқларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш юзасидан хулосалар ишлаб чиқиш, қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Йиғилишда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш даврида тадбиркорлик, бизнес ва хусусий секторга нисбатан муносабатларни тубдан ўзгартириш, уларнинг манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, қонуний ҳуқуқлари поймол қилинишига йўл қўймаслик, қулай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш каби устувор йўналишларни амалга ошириш вазифалари белгиланганлигига эътибор қаратилди.

**«Туркистон-пресс».**



## НИЁЗБОШЛИКЛАР УЛУШИ БАРАКАЛИ

**Янгийўл туманидаги «Ниёзбош» ширкат хўжалиги деҳқонлари бу мавсум ҳам пахтадан мўл ва эртаки ҳосил етиштириб, баракали хирмон яратдилар. Давлатга пахта сотиш контрактация шартномаси 15 иш кунида бажарилиб, қабул пунктларига 3740 тоннадан зиёд хом ашё етказиб берилди.**

Бу айтишгагина осон. Аслида бутун туман пахта ҳосилининг қарийб тўртдан бир қисмини берадиган «Ниёзбош» деҳқонлари ҳар қандай муваффақиятга катта меҳнат, изланиш, омилкорлик ва албатта, юксак ташаббус ҳамда ташкилотчилик билан эришадилар. Уларнинг бу фазилати айниқса, ўтаётган мавсумда яққол намоён бўлди. 1260 гектар майдондан биринчи теримнинг ўзидаёқ 30 центнердан хом ашё йиғиштириб олинди.

(Давоми 3-бетда).

**СУРАТДА:** *хўжалик аъзолари Абдулла Деҳқонов, Иброҳим Худойберганов ва Мавлуда Абдураҳмонова мавсум илғорларидан бўлишди.*

Даврон **АҲМАД** олган сурат.

## КЎРГАЗМАДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ

**Жорий йилнинг 4-6 октябрь кунлари Тошкентда ўтказиладиган «Транспорт ва логистика – «TransUzbekistan – 2006» халқаро кўргазмасида ўндан зиёд давлатларнинг 30 га яқин компаниялари иштирок этиши кутилмоқда.**

Маълумотларга қараганда, кўргазманинг 22 фоиздан ортиқ экспонатлари юртимиз корхона ва ташкилотлари улушига тўғри келади.

«TransUzbekistan – 2006» кўргазмаси темир йўл, ҳаво йўли ва автомобиль транспортида юк ташиш ва ахборот-логистика тизимидаги ҳозирги замон технологияларининг намойиши ҳисобланади. Экспозициянинг махсус бўлимларида юк ташишдаги замонавий воситалар, халқаро экспедиторлик компаниялар хизмат турлари, портлар ва терминалларнинг фаолияти хусусида, шунингдек, юк ташиш хавфсизлигини таъминлаш дастурлари, махсус ахборот хизматлари ҳақида маълумот берилади.

**«Туркистон-пресс».**

## ДАЛАГА УРУҒ СЕПИЛАЯПТИ

**Тошкент вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, бу йил воҳа ғаллакорлари 115 минг гектар суғориладиган, 14 минг гектардан зиёдроқ лалми майдонга уруғ сепадилар.**

Айни кунларда вилоят далаларида экиш ишлари қизғин давом этмоқда. Шу кунгача эллик минг гектар майдонга уруғ экиб бўлинди. Ҳар куни беш минг гектарга яқин майдонга дон сепилмоқда. Кузги экиш мавсумига беш юзга яқин қишлоқ хўжалик техникаси сафарбар этилган. Вилоят миришкорлари маҳаллий иқлимга мос "Крошка", "Половчанка", "Чиллаки", "Краснодар-99" навларини танлашди.

– Экиш ишларига ҳар йилгидан барвақт киришдик, – дейди Зангиота тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Фатхулла Саидов. – 2 минг 260 гектар майдонда ғалла парваришлашни режалаштирганмиз. Айни пайтгача минг гектарга яқин майдонга уруғ сепиб бўлинди.

Туманда ғаллачилик билан шуғулланадиган 186 фермер хўжалигига зарур шарт-шароит яратиб берилди. Ғалла тўлиқ униб чиқиши учун барча агротехник тадбирлар ўз вақтида бажарилаётир.

**Л. СУВОНОВ, ЎзА мухбири.**

Пахта — 2006





# ЧИНОЗЛИК ПАХТАКОРЛАР ЗАФАР ҚУЧИШДИ

Биз ҳам пудратчиларимиз билан жами 57 гектар майдонда ҳосил етиштириб, биринчи теримдаёқ 30,5 центнердан ҳосил кўтардик ва зиммамиздаги топшириқни ортиғи билан бажардик.

— Бу мавсум ҳар томонлама қулай келди, — дейди шу хўжалик заминида яшовчи Турсуной Жўраева. — Оиламиз билан бошқа зарур юмушлар қаторида пахта теримига чиқиб, қўшимча даромад эгасига айландик. Мавсум бошидан 3,5-4 тоннадан пахта тердик. Терим ҳақини хирмон бошида, қўшимча рағбат асосида олиб турдик.

Кези келганда алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз аграр соҳасида олиб борилган ва босқичма-босқич давом этаётган изчилислоҳотлар туман қишлоқ хўжалиги тармоқларида ҳам ўз самарасини намоён этаётир. Ўтган икки йил ичида тумандаги бир қатор паст рентабелли ширкатлар тугатилиб, улар заминида янги фермер хўжаликлари ташкил этилди. Айтиш мумкинки, туманда жамиятнинг истиқболли мулкдорлари сафи тобора кенгайиб, тизим ривожи учун бекиёс имкониятлар яратилаётир. Ўз навбатида, бу мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим таянчи ҳисобланган пахтачилик самарадорлигининг ошиб боришида асосий омил бўлмоқда. Бугун туманда 600 дан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият юритаяпти. Уларнинг мавсумда туман ялпи хирмонига қўшган улуши 15 минг тоннадан ошди. Бу туман пахтасининг қарийб 71 фоизи фермерлар даласида етиштирилаётганидан далолатдир. Айниқса, «Муқимий», «Илҳом ота», «Ҳайрулла», «МГМ», «Барака», «Юлдуз», «Зарафшон», «Севара агро» каби кўплаб заминдорлар бунёд этган хирмон салмоғи айниқса юқори бўлди. Биргина омилкор фермер, яқинда Юртбошимиз Фармонига мувофиқ «Эл-юрт ҳурмати» ордени нишондори бўлган Муқим Эрхўжаев бошчилигидаги деҳқонлар давлатга 410 тоннадан ортиқ хом ашё етказиб беришди. Улар қолган ҳосилни чамалаб, ялпи хирмонни яна 50 тоннага ошириш ниятидалар.

– Чиндан ҳам, бу йил пахта йили бўлди, – дейди чинозлик яна бир заминдор, «Тошпўлатхожи» фермер хўжалиги раҳбари Тўлқин Камолов. – 31,6 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдик. Шартномада белгиланганидан 5 центнер юқори пахта олиб, қабул пунктларига 110 тоннадан ортиқ хом ашё тўкдик. Унинг ярми уруғлик бўлгани сабабли қўшимча 50 фоиз ҳақ олдик. Бу даромадимизга яхшигина барака киритди.

– Дарҳақиқат, эндиликда ҳар бир фермер, ҳар бир пахтакор минг машаққат билан етиштирган ҳосилини юқори навларга ўтказиш пайида бўлмоқда, – дейди Чиноз пахтани қайта ишлаш заводи раҳбари Аброр Каримжонов. – Бу йилги мавсум қисқа муддатда, муваффақиятли ўтаётгани ҳам шундан. Ер эгалари бу тармоқ ҳақиқий даромад манбаи эканлигини тушуниб етишди. Корхонамизга келтирилган 21800 тоннадан зиёд ҳосилнинг ҳаммаси биринчи навга олинди. Шу кунгача унинг 1700 тоннаси қайта ишланиб, 510 тонна юқори сифатли тола олинди.

Сирасини айтганда, айни кунларда чинозлик деҳқондан бахтиёрроқ киши бўлмаса керак. Бинобарин, меҳнат, омилкорлик, ташаббус ва ташкилотчилик бор жойда деҳқоннинг юзи ёруғ, кўнгли тўқ бўлади.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

***СУРАТЛАРДА:*** *фермер Тўлқин Камоловнинг бу йилги ҳосили янада баракали бўлди; «Гулзор-обод» ширкат хўжалиги аъзолари иккинчи терим олдидан ҳосил салмоғини чамалашмоқда.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Маҳмуд ТОИР,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

## ИФТИХОР

Майдонда мардларча курашиб келган,
Талашса орият талашиб келган,
Ғолиблик ҳамиша ярашиб келган,
Вилоят аҳлининг юзидир, Чиноз,
Вафоли деҳқоннинг сўзидир, Чиноз.
Сахий куз азалдан оқ олтин фасли,
Томчи-томчи тердан дур бўлар асли,
Сўзида турганлар мардларнинг насли,
Тошкент карвонининг саркори, Чиноз,
Қадим пахтакорлар диёри, Чиноз.
Пахта бу бир тилсим, сирин очганга,
У ҳам очилгайдир меҳрин сочганга.
Агар келар бўлсанг кўҳна Тошканга,
Остонаси тилло – дарвоза, Чиноз,
Эл ичра шуҳрати овоза, Чиноз.

Эгатга эгилган эл деб эгилар,
Ҳалол насибасин кел, деб эгилар,
Керилса соятоб каслар керилар,
Қадоққўл деҳқонга таъзимда, Чиноз,
Азизлар ичинда азим-да, Чиноз.
Қувончнинг қатида алам бўларкан,
Гоҳида яхшилар бевақт сўларкан,
Ҳақ амри, кутилмас мотам бўларкан,
Бозорхўжасини сўроқлар, Чиноз,
Бемаврид сўнмасин чироқлар, Чиноз.
Кунни кузатганлар ойни қаршилар,
Яхшилар ўрнига келар яхшилар,
Эл бахтин куйлайди Маҳмуд бахшилар,
Оппоқ чаманларга чиройдир, Чиноз,
Тошкент осмонида бир ойдир, Чиноз.

Орамиздаги одамлар

# ЭЪТИҚОД

**— Ўғлингизни бир койиб қўймасангиз бўлмайди, — нолиди Назира ая ишдан қайтган умр йўлдошига. — Футбол баҳона темирйўлдан бери келмайди.**
**— Қўявер, онаси, мактабда яхши ўқияпти, уй ишларида сенга яхшигина дастёр бўлаяпти. Ўғил бола-да, балки техникага қизиқар...**
**Шу пайт боғ этагидаги эшик очилиб, қўлида катта қоғоз ва мўйқалам ушлаган Шокиржоннинг ўзи кўринди. Унинг қоп-қора кўзлари қувонч ва ҳаяжондан чақнарди.**

— Мен электровознинг юк тўла вагонлари суратини чиздим, — нафасини ростлаб, сўзида давом этди болакай. — Мана, кўринглар, мен ҳам катта бўлсам Пирмат амакидай электровоз ҳайдайман. Дада, биласизми, электровоз жуда кучли машина...

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти «Саноаттемирйўллари транспорти» бошқармасининг 2-темирйўл цехи электровозмашинисти Шокиржон Маматқулов ҳар гал ишга отланаётганида ана шундай орзулар оғушида ўтган болалик йилларини эслайди.

...Техника университетига ўқиш учун ҳужжат топширган Шокиржоннинг дастлабки йили омади чопмади. Болаликда дилига туккан касбини эгаллаш мақсадида тўғри ДЕПОга борди. У ерда уни электр чилангари қилиб ишга олишди. Шу лаҳзада Шокиржон беш-ўн ёшга улғайгандек ҳис қилди ўзини. Энди у бир пайтлар сеҳрли, маҳобатли кўринган техникаларнинг қисмлари билан тиллашарди.

Бир йилдан сўнг у болалигида ҳавас билан суратини чизган, уни эртаклардаги қаҳрамон каби тасаввур қилган Пирмат Алиқуловга шогирд тушди. Ишдан ажралмаган ҳолда комбинат қошидаги кечки ўқув курсида электровоз-машинисти мутахассислиги бўйича таҳсил олди. Шунингдек, унга тажрибали машинист Абдуҳалил Абдуллаев ҳам устозлик қилди. 1980 йилда Москвада ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, устозлари каби электровозни мустақил бошқара бошлади.

Ўтган йиллар давомида Шокиржон ҳам муносиб шогирдлар тайёрлади.

— Ҳавас билан шу касбни эгаллადим-у, лекин биринчи бор машинани бошқарганимда, ўзимда қандайдир ишончсизлик, иккиланиш сезгандим, — дейди шогирдларидан бири Мирзавали Фозилов. — Ўшанда Шокиржон ака ишда ўзимни дадил тутишимни, бутун диққат-эътиборни ҳаракатга йўналтиришимни ва масъулиятни оширишимни таъкидлаб: «Сиздан яхши машинист чиқади», дея ишонч билдирганди. Мана шу бир оғиз сўз ўзимни ўнглаб олишимга, вақти келиб, илғорлар қаторига қўшилишимга туртки бўлди, десам муболаға қилмайман.

Устоз тўғрисидаги бундай илиқ сўзларни Собиржон Жўраев, Умрзоқ Эгамбердиев, Ҳамроқул Ўринбоев каби шогирдлар ҳам тилга олдилар.

Шокиржон Маматқулов Республикамиз Мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан ўзининг кўп йиллик самарали меҳнатлари учун давлатимизнинг юксак мукофоти — «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.



«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Қувондиқ Санақулов бошқарув кенгаши аъзолари билан эрталаб Шокиржон меҳнат қилаётган жойга келиб, мукофот соҳибини кончилар ва барча олмалиқликлар номидан самимий қутлаб, келажакдаги ишларига ривож, оилавий бахт тилади.

— Шокиржон ишга жуда масъулият билан ёндашади, — дейди темирйўл транспорти бошқармаси бошлиғи Евгений Степанович Ким. — Ҳар бир электровоз қоида бўйича бир ярим ойда бир марта техник кўрикдан ўтказилиб, жорий таъмирдан чиқарилади. Шокиржон бошқараётган электровоз эса уч ойда бир марта шундай тадбирдан ўтади.

Ҳа, техник жиҳатдан ҳар доим соз ҳолдаги машина сарф бўладиган электр энергия, техник-мойлаш материалларининг бир қисмини ҳам тежаш имконини беради. Бу борада Шокиржондан ўрнак олишга интилаётган ёшлар кўп.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

***СУРАТДА:*** *«Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби Шокиржон Маматқулов иш жараёнида.*

**Муаллиф олган сурат.**

# ТЕРИМЧИ ҲАР КУНИ РАҒБАТЛАНГАНДА

Қолаверса, ҳали далада ҳосил кўп, иккинчи терим шундоқ турибди. Даромад эса ҳозирнинг ўзидаёқ 40 миллион сўмдан ошди.

Таъкидлаш жоизки, бу йил хўжалик пахтакорлари ҳар йилгига нисбатан анча салмоқли даромад кўрадиган бўлдилар. Аввало, ҳосилдорлик ҳар қачонгидан ҳам юқори бўлди. Иккинчидан, биринчи терим тугамасдан шартнома бажарилди. Натижада унинг 97 фоизи энг юқори навга топширилди. Ҳеч қачон бундай бўлмаганди.

— Бунинг ўзига яраша сабаби бор, – дейди хўжалик бошқаруви раиси Раҳимжон Ҳакимжонов. – Биз теримчиларга ҳар килограмм пахта учун беш кунлик якунида эмас, балки кунлигини кунда 53 сўмдан тўлаб бордик. Натижада сафарбарлик оммавий тус олиб, теримда унум зўр бўлди.

Ҳақиқатан ҳам 350 пудратчининг оила аъзолари теримда фаол қатнашдилар. Бундан ташқари, кунда ҳақ тўлангани боис маҳаллий аҳоли ҳам пахтакорларга кўнгилли ёрдам бердилар, бу билан ўзлари ҳам анча даромадли бўлиб олдилар.

– Теримга сарфланган пуллар бир неча ҳисса бўлиб, хўжалигимиз хазинасига келиб тушади, – дейди раис мамнуният билан. – Ўзингиз ҳисоблаб кўринг, мўлжалимиз бўйича бу йил пахтанинг ўзидан жами 700 миллион сўмга яқин даромад кўрамиз. Бунинг кам деганда 200 миллион сўми соф фойда бўлиб, ёнимизга қолишига шубҳа йўқ. Бундай мўмай даромадга ҳам хўжалигимиз тарихида биринчи марта эришаяпмиз десам хато бўлмайди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# НИЁЗБОШЛИКЛАР УЛУШИ БАРАКАЛИ

Теримга ҳосил оби-тобида пишиб етилгач киришилгани, бор диққат-эътибор мавсумни қисқа муддатда, ёғин-сочинли кунларга қолмай якунлаб олишга қаратилгани, пахта ортиқча ифлослантирилмай йиғиштириб олингани боис 100 фоиз биринчи навга қабул қилинди.

— Тармоқдан келадиган иқтисодий самарадорликнинг муҳим омили шунда, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Абдуғани Юсупов. — Хўжалигимизнинг махсус ихтисослашувига биноан ҳосилимизнинг салмоқли қисми уруғликдир. Бунинг ўзига хос катта масъулияти бор. Шу билан бирга иқтисодий манфаатдорлиги ҳам анча баланд.

Дарҳақиқат, хўжалик пахтакорлари бу масъулиятни бир зум ҳам унутишмайди. Аксинчи, теримда янада фаоллик кўрсатишга, ўз меҳнатлари эвазига етиштирилган ҳосилни тезроқ саранжомлаб олишга интиладилар. Ўз навбатида, аъзоларнинг ташаббуси раҳбарият эътиборидан четда қолмайди.

Хусусан, ҳозир терилаётган ҳар килограмм пахта учун белгиланган нархга 10-20 сўмдан қўшимча ҳақ тўланаяпти. Ҳисоб-китоб кунда-кунора дала бошида бўлаяпти. Бундан ташқари, мавсум мобайнида 5, 6, 8 тоннагача пахта терган илғорларга тегишлича гилам, рангли телевизор ҳамда бошқа рағбатлантирувчи мукофотлар жорий қилинди. Хўжаликнинг Иброҳим Худойберганов, Фарида Абдураҳимова, Назира Султонова каби ўнлаб аъзолари мавсум пешқадамлари сафидан ўрин эгаллашди.

Ниёзбошиликлар дастлабки катта довондан ошган бўлсаларда, ҳали далаларда ҳосил мўл, терим авжида. Улар туман хирмонига яна 600 тонна улуш қўшиш мақсадидалар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Ўз мухбиримиз.**

# ҚОН ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

**Пойтахтимизда гематология ва трансфузиологиянинг долзарб муаммоларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бошланди.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти, "Қон – инсон хизматида" жамоат хайрия фонди, Осиё тараққиёт банки каби ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олимлари, гематолог ва трансфузиолог шифокорлар билан бир қаторда Россия, Германия ва Қозоғистондан келган мутахассислар иштирок этаётир.

Икки кунлик анжуманда қон тизими касалликларига ташҳис қўйиш ва даволаш борасидаги янгича ёндошувлар, онкогематологиянинг долзарб масалалари, суяк кўмиги трансплантациясини қўллаш тажрибаси, Марказий Осиё минтақасида қон хизматининг эпидемиологик ҳолатига оид масалаларга бағишланган элликка яқин маъруза тингланади. Гематология ва трансфузиология соҳасида жаҳон тиббиёт илми эришаётган ютуқлар, янги даволаш усуллари ва воситаларини қўллаш тажрибаси хусусида фикр алмашилади.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Мутолаа байрами – 2006" китобхонлик ҳафталиги якунланди.**

# МУТОЛАА БАЙРАМИ ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ

Тадбир доирасида илмий, сиёсий ва ўқув адабиётлари кўргазмаси, китобхонлик байрамлари, янги китоблар ҳамда Миллий кутубхонанинг электрон ресурслари тақдимоти, юртимиз кутубхоналари ходимлари учун семинар-машғулотлар ўтказилди. Таниқли олимлар, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари, адабий кечалар, мушоиралар, интеллектуал беллашув ва викториналар китоб ҳафталигининг янада жонли ва сермазмун ўтишига хизмат қилди.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ёшлар маркази раҳбари Л. Горбунованинг айтишича, бу йилги мутолаа байрами таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда аҳолининг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мунтазам ва мустақил равишда таълим олишига кўмаклашиш, янги ахборот технологиялари, хусусан, маълумотлар электрон базалари, интернет ресурслари асосида аҳолига ахборот хизмати кўрсатишда муҳим аҳамият касб этган.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

## ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖЛИК ИШБИЛАРМОН ТАДБИРКОРЛАР!

## Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси ҳамда Тошкент вилояти ҳудудий танлов комиссияси

Тошкент вилояти ҳудудий танлов комиссияси баённома қарорига мувофиқ объектларни инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиш шарти билан бепул бериш бўйича танлов эълон қилади.

**Танлов ўтказилиш куни:** **2006 йил 8, 15, 22 ва 29 октябрь кунлари.**
**Вақти:** **соат 11.00 да.**
**Ўтказилиш жойи:** **Тошкент вилояти ҳокимияти.**
**Манзил:** **Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй.**

Танлов савдоларида барча нодавлат юридик ва жисмоний шахслар, маҳаллий ва хорижий ишбилармон ва тадбиркорлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезедентлари қатнашишлари мумкин.

Танлов иштирокчиларидан ариза ва ҳужжатлар тўпламини қабул қилиш савдо кунидан уч кун аввал тўхтатилади.

**Танлов савдосида иштирок этиш шартлари:**

Танловда иштирок этишни хоҳлаган барча талабгорлардан уч мустақил қисмга эга бўлган алоҳида конвертларга муҳрланган ҳужжатлар тўплами, яъни:

А) ариза ҳужжатлар тўплами;
Б) техник ишлаб чиқариш таклифлари ҳужжатлар тўплами;
В) молиявий ҳужжатлар тўплами билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тўпламини тақдим этишлари талаб этилади:
1. Талабгорнинг тўлов қобилиятига эга эканлигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банк кафолат хати);
2. Тақдим этилган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик фирмасининг хулосаси;
3. Таклиф этилган инвестиция ҳажми ва унинг киритилиш муддатлари;
4. Бизнес-режа (тасдиқланган намунавий шаклда тайёрланган бўлиши лозим).

Конвертлар муҳрланиб (жисмоний шахслар томонидан имзоланган ҳолда) белгиланган шаклдаги ариза билан Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига топширилади.

| Т/р | Корхона ёки объект номи | Жойлашган жойи (тум., шаҳ.) | Устав фондидаги давлат активи (фоизда) | | Фаолият тури (сақлаб қолиш ёки сақлаб қолмаслик) | Инвестицион мажбуриятнинг минимал миқдори (млн. сўм) | Инвестицион мажбуриятнинг бажарилиш муддати (йил) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Жами | Шу жумладан, давлат улуши | | | |
| 1 | «Olmaliq Taems» (Олмалиқ шаҳар босмахонаси) МЧЖ | Олмалиқ шаҳри | 100 | 100 | Фаолият турини сақлаб қолмаслик | 100 | 12 ой |

1. Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 майдаги 209-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Тошкент вилояти "Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналар ва паст ликвидли объектларни инвесторларга инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича ҳудудий танлов комиссияси"нинг 2006 йил 18 августда ўтказилган танлов натижаларига кўра Тошкент вилояти, Паркент туманида жойлашган "Паркент ИКМК" акциядорлик жамиятининг 98,14 фоиз давлат активи бўйича бир йил муддат ичида жами 120000,0 минг сўм миқдорда инвестиция киритиш мажбурияти билан инвесторга бепул берилганлиги маълум қилинади.

**Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:**
**Тошкент шаҳри Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилояти бошқармаси.**
**Телефонлар: 139-21-24,139-22-27,139-83-90.**

• Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт



# ТЕННИС МАЛИКАЛАРИ – ПОЙТАХТИМИЗДА

**Тошкент теннис марказида Хотин-қизлар теннис уюшмаси – WTA Tour мусобақалар тақвимидан жой олган хотин-қизлар ўртасида "Тошкент опен" анъанавий халқаро теннис турнири бошланди. Мукофот жамғармаси 145 минг АҚШ доллари бўлган бу галги мусобақада дунёнинг ўн олти мамлакати вакилалари ғолиблик учун куч синашмоқда.**

Саккиз йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётган "Тошкент опен" ҳар йили янги теннис юлдузларини кашф қилиши билан машҳур. Мутахассисларнинг таъкидлашича, "Тошкент опен" кучли юзликка кирувчи теннис усталарини кўплаб жалб қилиши билан ҳам ўз таснифидаги мусобақалардан кескин фарқ қилади.

Мазкур турнирнинг турли йиллардаги ғолибалари – А. Смашнова (Исроил), Б. Ламаде (Германия), И. Тўлаганова (Ўзбекистон), М. Микаэлян (Швейцария), В. Руано Паскуал (Испания), Н. Ваидисова (Чехия) ва М. Крайчек (Голландия) хотин-қизлар тенниси оламида ўз обрў-эътиборига эга теннисчиларга айланган.

Бир ҳафта давом этадиган бу йилги беллашувларда ҳам мухлислар кўплаб истеъдодли теннисчилар иштирокидаги кескин ва муросасиз учрашувлардан баҳраманд бўлади. Айниқса, амалдаги Осиё чемпиони, ҳамюртимиз Ирода Тўлаганованинг ўйинлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бундан олти йил муқаддам "Тошкент опен" турнирида ғолиб чиққан моҳир теннисчимиз бу галги мусобақани ҳам омадли бошлади. Биринчи учрашувини бешинчи рақамда сараланган беларуслик Анастасия Якимовага қарши ўтказган Ирода 6:3, 7:6 ҳисобида зафар қучди. У навбатдаги босқичда яна бир ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродовадан 6:4, 7:5 ҳисобида устун келган таиландлик таниқли теннисчи Тамарин Танасугарн билан куч синашади.

Биринчи кунги яккалик беллашувларида италиялик Мариа Елена Камерин хитойлик Жинг Ренни 6:1, 5:7, 7:5 ҳисобида мағлубиятга учратган бўлса, Венгрия вакили Кира Наги россиялик Алла Кудрявцевага 5:7, 3:6 ҳисобида имкониятни бой берди. Яна бир учрашувда беларуслик Екатерина Жегалевич британиялик Анне Кетавонгни 6:3, 6:2 ҳисобида енгди.

Жуфтликлар ўртасидаги дастлабки баҳс ўзбекистонлик теннисчилар ўртасида бўлди. Унда Албина Хабибулина ва Дилёра Садхўжаева жуфтлиги Сония Хайрова ҳамда Нигора Сирожиддинова дуэтини 6:2, 6:0 ҳисобида доғда қолдирди. Украиналик Мариа Коритцева хорватиялик Саня Анчич билан ҳамкорликда италиялик Алберта Брианти ва чехиялик Ҳана Сромова жуфтлигини 1:6, 7:5, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ТАЙМАЗОВ – ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

**Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон эркин курашчилари юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.**

120 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан курашчиларнинг финал баҳсида ғолиблик учун асосий даъвогар – ҳамюртимиз Артур Таймазов ва россиялик Курамагомед Курамагомедов ўзаро куч синашди. Беллашув давомида рақибини мағлубиятга учратган ўзбекистонлик полвон олтин медаль ва жаҳон чемпиони, деган шарафли унвонга сазовор бўлди.

## ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ

***Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуида жанговар самбо ва фахрийлар ўртасида самбо бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати якунланди. Унда дунёнинг ўттизга яқин мамлакатидан келган тўрт юз нафар энг сара самбо устаси ғолиблик учун куч синашди.***

Жанговар самбо мусобақаларида 90 килограмм вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Элдор Ғуломов финалда россиялик Владимир Дамдинов устидан ғолиб чиқиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Мусобақа якунига кўра, умумжамоа ҳисобида Россия терма жамоаси вакиллари биринчи ўринни эгаллаган бўлса, ўзбекистонлик самбочиларга иккинчи ўрин насиб қилди. Қозоғистон терма жамоаси спортчилари учинчи ўринни банд этди.

**ЎзА.**

НАЗАРМАТ

Шеърият

### ЙЎЛГА ЧИҚСАМ

*Йўлга чиқсам, Қуёш ҳамроҳим,*
*Яшнаб турар заррин жаҳони.*
*Оқ далалар олтин макони,*
*Улар саҳий элим хирмони.*
*Дилим тортар боғлар чиройи,*
*Ҳар ғунчаси ноз-неъмат жойи,*
*Йўлим тушса тепа тоғларга,*
*Воҳаларга, гулзор боғларга.*
*Қадим Хива, Қарши, Сурхонга,*
*Мени чорлар боғу бўстонга.*
*Ҳосил кони кўркам ерлари,*
*Соҳиб саркор баҳодирлари.*
*Миришкорлик жасоратлари,*
*Ризқи-рўздир ноз-неъматлари,*
*Улар бунёд қадим-қадимдан,*
*Яшнаб ўтар кўзим олдидан.*
*Улар юртим заррин жаҳони,*
*Оқ далалар, олтин макони,*
*Улар буюк туҳфа элимдан,*
*Мадҳи янграр жўшқин дилимдан.*

### БАҲОР ЕЛЛАРИ

*Эсар баҳор еллари,*
*Нурга чўмар ниҳоллар.*
*Поёни йўқ йўллари,*
*Манзиллари жамоллар.*
*Таралади муаттар,*
*Тиним билмас беором,*
*Кеча-кундуз гул тутар,*
*Элда ажиб кўрк айём.*
*Шивирлайди ғунчалар,*
*Сарин сафо еллардан,*
*Унса чирой очилар,*
*Нур олади диллардан.*
*Палак ёзар она ер,*
*Унда диёр зийнати,*
*Ҳар гул боғ бўламан дер,*
*У табиат ҳикмати.*
*Эсар баҳор еллари,*
*Дилни тортар гуллари,*
*Йиллар ўтар нурафшон,*
*Менга азиз бу жаҳон.*

### ГУЛ ЖИЛОСИ

*Гулни севар ёш жувон,*
*Ҳовлисида гул жаҳон.*
*Замин ўхшар чаманга,*
*Хуш ҳидлари жон танга.*
*Гулдастада нур жило,*
*Хушҳидлари дилрабо,*
*Жувон боғин айланар,*
*Гул дастаси бойланар.*
*Айлар уни хонадон,*
*Устозига армуғон,*
*Жаранглайди қўнғироқ,*
*Ўқувчилар шод, қувноқ.*
*Жувон қарар ҳавасда,*
*Фарзандига гулдаста,*
*Устозига совға у,*
*Айлар азиз дунё у.*

### ЗАМИН НЕЪМАТЛАРИ

*Диёримнинг ҳар зарраси ўзи бир бўстон,*
*Саҳий неъмат туҳфалари тўкин дастурхон,*
*Инсон меҳру азми билан кўтарар хирмон,*
*Кўчатлардан яратади элга жаҳонлар.*

*Эл гуллари дунё эрур ҳаёт йўлида,*
*Маъмурчилик пайдо бўлур элнинг қўлида,*
*Чаманзорлар гуркирайди дашту чўлида,*
*Миришкорлар яратгуси буюк эҳсонлар.*

### МАШЪАЛИМ

*Ўн олти йил нурафшон,*
*Янги йўлдан боряпман.*
*Менга азиз бу жаҳон,*
*Куйлаб дилдан боряпман.*
*У машъалим ўтган йил,*
*Уни кўрди дунё-эл.*
*Одимлайди бардам у,*
*Эл зафари олам у.*
*Эзгу туғи қўлимда,*
*Яшнаб турар йўлимда.*
*Мен жангларда бўлганман,*
*Ватан қадрин билганман.*
*Юрган йўлим истиқбол,*
*Машъалим у Истиқлол.*
*Нурга тўлиб келган у,*
*Ватан бахти бўлган у.*
*Она элим кенг дунё,*
*Яшнайвергин доимо.*

## СУРАТЛАРДА ЧИН МАНЗАРАЛАРИ

***Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент Фотография уйида Хитой Халқ Республикаси ташкил топганининг 57 йиллигига бағишлаб "Ўзбек фоторассомлари ижодида – Хитой" мавзуида кўргазма очилди. У Хитойнинг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.***

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий алоқалар кўп асрлик тарихга эга экани таъкидланди. Истиқлол йилларида икки давлат ўртасидаги муносабатлар янги – юксак поғонага кўтарилди. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Кўргазмада Чин юртининг гўзал табиати, меъморий обидалари, қадимий маданияти, тараққиёт йўлида эришаётган ютуқлари ўзбек фотоусталари нигоҳи билан акс эттирилган. Унда Турсун Али, Раҳмонбек Исломов, Владимир Жирнов, Шаҳноза Усмон, Юрий Подпоренко сингари фоторассомларнинг асарларига кенг ўрин берилган.

Кўргазманинг очилишида Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Юй Хунцзюнь иштирок этди.

**ЎзА.**

## «ЮРТИМИЗ ОДАМЛАРИ»

**Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент Фотография уйида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда "Юртимиз одамлари" мавзуида кўргазма очилди.**

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури доирасида ташкил этилган мазкур кўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳаваскор фотосуратчиларининг асарларига кенг ўрин берилган. Бу ерда намойиш этилаётган суратларда Ватанимизнинг бугунги куни, гўзал урф-одат ва анъаналаримиз, тинч яратувчилик меҳнати билан банд ватандошларимиз ҳаёти акс эттирилган.

## БОЛГАР КИНОСИ ҲАФТАЛИГИ

**Пойтахтимиздаги Ўзбекистон кино музейида Болгария киноси ҳафталиги бошланди.**

Ҳафта мобайнида болгариялик киноижодкорлар томонидан ишланган "Шавкатли Хон", "Шафтоли ўғриси", "Имтиҳон" ва "Номсиз оркестр" каби бадиий фильмлар намойиш этилади.

Айни пайтда кино музейида болгариялик фото усталари томонидан ташкил этилган "Ўзбекистонга муҳаббат билан" фотокўргазмаси очилди. Унда Ўзбекистоннинг гўзал табиати манзаралари, қадимий обидалари ва халқимиз ҳаётидан ҳикоя қилувчи қизиқарли фотолавҳалар намойиш этилмоқда.

**О. ТУРОПОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Қорадори — 2006

# ГУЛТУВАКДАГИ «НОЁБ» ЭКИНЛАР

**Гиёҳвандлик балоси эшик қоқмаган ҳудудни бугун топиш мушкул. Унинг оқибатида азият чекиб, оиласини йўқотган қанча-ю, ўз ҳаётини заҳарлаган қанча. Ҳозир ҳам айрим кимсалар унинг таъсирига билиб-билмай кириб қолаётганликлари ачинарлидир.**

Вилоят ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ўтказиб келинаётган «Қорадори – 2006» тадбирининг мақсади мамлакатимизда ноқонуний равишда гиёҳвандлик моддалар билан муомала қилаётганларни аниқлаш ва уларнинг пайини қирқишдир.

Айни кезларда мазкур тадбирнинг иккинчи босқичи ўтказилмоқда. Инсон саломатлигига кучли таъсир этувчи гиёҳвандлик моддаларининг салбий оқибатлари ҳақида профилактик суҳбатлар ўтказилиб, унинг балосига йўлиққан кимсаларнинг ҳаёти, аянчли оқибатлари тўғрисидаги видеофильмлар намойиш этилмоқда. Маҳалла фаоллари иштирокида жамоат жойларида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Аҳолига гиёҳванд моддалар билан ноқонуний равишда муомала қилиш билан бир вақтда таркибида жирканч оғу бўлган ўсимликларни ўстириш ва сақлаш ҳам оғир жиноят эканлиги тушунтирилмоқда.

Бироқ, мўмай даромад илинжи айрим кимсаларни ўз домига тортмоқдаки, ғишт қолипдан кўчгач эса, улар турли баҳоналарни рўкач қилишмоқда. Жумладан, 11 сентябрь куни ўтказилган рейд давомида Янгийўл тумани Меҳнатобод маҳалласида яшовчи Қ. Гулсеварнинг томорқаси гумонланиб, текширилганида 24 туп, шунингдек, шаҳарнинг 10-кичик мавзесидаги кўп қаватли уйларнинг бирида яшовчи Н. Викторнинг уйи холислар иштирокида кўздан кечирилганида, 16 та гултувакда 52 туп наша ўстирилаётгани маълум бўлди.

Вилоят ҳудудида ўтказилаётган «Қорадори — 2006» тадбири давомида мунтазам равишда рейдлар ташкил этилиб, тоғ ёнбағирлари, қирадирлар, далалар кўздан кечирилмоқда. Яқинда ана шундай тадбир давомида Янгийўл тумани Меҳнатобод маҳалласида яшовчи Ф. Кўчқорнинг томорқаси шубҳаланиб, текширилганида, бу ерда 31 туп наша ўстирилаётганлиги ошкор бўлди.

Бундай ҳолатлар юзасидан бошқа шаҳар ва туманларда ҳам жиноятлар фош этилди.

Шу кунгача вилоят ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ўтказилган тадбир давомида ёввойи ва маданий ҳолда етиштирилаётган, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликлар йўқ қилинди.

Шунингдек, бундай ўсимликлар экилган жойларни аниқлаш билан чекланиб қолмай, заҳри қотил савдоси, уни сақлаш билан машғул бўлган шахсларни аниқлаш, уларга кескин чоралар кўриш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 9 сентябрь куни Юқоричирчиқ туманида ўтказилган рейд жараёнида Г. Владимир туманнинг «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги ҳудудида гумонланиб текширилганида, ёнидан қуритилган кўкимтир ўсимлик чиқди. У экспертизадан ўтказилганида, миқдори 132 грамм бўлган марихуана моддаси эканлиги маълум бўлди. Шу куни Қуйичирчиқ тумани ички ишлар бўлими ходимлари томонидан «Ўзбекистон 5 йиллиги» тажриба хўжалигида яшовчи Қ. Рихсибойнинг уйи текширилганида, омборхонасида 2 килограмм, шу хўжаликнинг А. Навоий номли кўчасида яшовчи А. Содиқнинг молхонасида эса, 220 грамм марихуана сақлаётганлиги аниқланди.

«Қорадори — 2006» тадбири давом этмоқда.

**Шерали АНВАРОВ,**
**вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот марказининг катта инспектори.**

Буни ҳаёт дейдилар



# СЕВИНЧ ЁШЛАРИ

Жарроҳ Комил Одилов одатдагидек касалхонага эрта етиб келди. Ўзига қарашли хонага кириб эндигина халатини кийган эди ҳамки эшик тақиллаб, ичкарига 8-9 ёшлар чамасидаги қизалоқ ийманибгина кирди. У нимадир демоқчи бўлар, лекин қизнинг бироз қўрқув ва илтижо тўла кўзларидаги шашқатор ёш гапиришига йўл бермасди.

Одилов бир зум анграйиб қолди. Қизалоқнинг мурғак қалбига бунчалик изтироб солган, унинг гулгун чеҳрасига соя ташлаган нима ахир? Нега у аламзадаларча ёш тўкади? Жарроҳ таажжуб билан аста қизчага яқинлашди. Қаршисида тиз чўкиб, сочларини оҳиста силади. Нажоткорнинг бу илтифотидан баттар кўнгли бўшаб кетган қизалоқ ҳўнграб, унинг бўйнидан маҳкам қучди:

— Ойим... Ойижонимни қутқаринг... Илтимос...

Бирдан Одиловнинг кўз олдида авария учраб, оғир аҳволда касалхонага келтирилган кечаги аёл қиёфаси жонланди. Гарчи операция муваффақиятли ўтган, жарроҳ роппа-роса тўрт соат ўлим билан олишган бўлса-да, башоратга ҳали эрта эди. Олдинда катта тўсиқлар, ҳаёт учун кураш довонлари ҳам бор. Мана шуларнинг ҳаммасидан ошиб ўтиш керак. Бу фақат жарроҳгагина эмас, балки беморнинг ўзига — сабр-бардошига, чидамига, қолаверса, унинг юрагига ҳам боғлиқ. Сунъий йўл билан нафас олаётган бемор ҳақида бошқа нима ҳам дейиш мумкин? Лекин титраб-қақшаб кўз ёш қилаётган гўдак ҳурмати унинг онасини ўлимдан сақлаб қолиш учун Одилов қўлидан келганича ҳаракат қилишни дилига тугиб қўйди.

— Қутқаринг амакижон, ойимни қутқаринг. Менинг ойижонимдан бўлак ҳеч кимим йўқ.

Одилов ҳаммасини тушунди. Бир зумда хаёллари айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Ёшлигидаги бир воқеа кўз олдига келиб тек туриб қолди. Тавба, ўшанда ҳам шундай бўлганди-я. Онасини ногаҳоний юрак хуружи билан касалхонага келтиришган эди. Ўшанда онасининг халоскори нуроний профессорга биринчи синф ўқувчиси Комилжон озмунча кўз ёши тўкканмиди? Ахир унинг ҳам онасидан бўлак ҳеч кими йўқ эди-да. Профессорга раҳмат. Онаси соғ-саломат уйига қайтди. Эркатойи Комилжонни яна бағрига босди. Ўшандан бери профессор Комилжон учун энг азиз киши бўлиб қолганди. Ўша воқеа бўлмаса, Одилов шифокор ҳам бўлмасди.

Йиллар ўтиб, орзуси амалга ошди. Ўша профессор талаба Одиловдан ёрдамини аямади. Ҳозир ҳам улар вақти-вақти билан кўришиб туришади. Оғир дамларда отасидек бўлиб қолган бу кишига Одилов тез-тез мурожаат қилиб, ундан йўл-йўриқ сўраб туради.

Хўш, энди олдида турган қизалоққа нима десин?

— Йиғлама, қизим, — деди Одилов қизчанинг кўз ёшларини оппоқ рўмолчаси билан арта туриб. — Ойинг тузалади. Албатта соғайиб кетади. Мана кўрасан. Кўп ўтмай уйга қайтади.

Ташаккур изҳори сифатида қизалоқ Одиловнинг бўйнидан яна бир бор қаттиқ қучди.

— Сизга ишонаман, амакижон, — деб қўйди ўксиб-ўксиб. Кейин шитоб билан эшикка отилди.

Ким билсин, у хушхабарни балки бирор дугонасига ёки яқин кишисига етказишга ошиққандир. Балки хурсандчиликдан унинг юрагига бу кичик хона торлик қилиб қолгандир.

Одилов шу таассурот оғушида анча тўлғанди. Кейин қизчага берган ваъдаси эсига тушди. Шаҳд билан хонадан чиқди-да, таниш палата томон тез-тез юриб кетди.

...Хайрият, ўлим чекинди. Бир ойдан сўнг бемор оёққа турди. Ўша куни она ва қизалоқ у ўтирган хонага кириб келишди. Қизча югуриб келиб, қўлидаги гулни Комилжонга тутдида, сўзсиз унинг бўйнидан қучди. Одиловнинг кўзига ёш қалқди.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.**

Билиб қўйган яхши

- Оёқ терлаганда, кечқурун дуб пўстлоғининг қайнатмасига 20 дақиқа солиб ўтирилади, сўнг «Олимп» ёки «Эффект» номли крем суркалади.
- Соч тўкилаётганида ва қазғоқ кўпайганда, янги карам шарбатини бошга суртиш фойдалидир.
- Қазғоқни кетказиш учун шалфей ва мавракдан 10 гр. олиб, 100 гр. қайноқ сув солиб дамланади. Дамлама билан бош яхшилаб ҳўлланади.
- Лавлаги шарбати қонни тозалайди. Жигар, меъда ва ичакларнинг иш фаолиятини яхшилайди. Умумий ҳолсизланишда, шамоллашда яхши ёрдам беради.
- Крахмал оёқ куйганда ва терлаганда сепилади.
- Лимондан имкон қадар кўпроқ шарбат сиқиб оламан десангиз, уни бир неча дақиқага қайноқ сувга солиб қўйинг.

Рассом ҳандаси







Абдурасул ҲАКИМОВ чизган расмлар.

Об-ҳаво

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 4 октябрь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол кучайиб, секундига 15-17 метрга етади. Кечаси 12-14, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, айрим туманларда ёмғир ёғиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Баъзи жойларда шамолнинг тезлиги кучайиб, секундига 15-20 метрга етади. Кечаси 9-14, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли туманларида ҳаво ўзгариб туради, айрим туманларда ёмғир ёғиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Баъзи жойларда шамолнинг тезлиги кучайиб, секундига 15-20 метрга етади. Кечаси 3-8, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1240. Адади 3467. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.45. 1 2 3 4 5